

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА УМИДА АЙБЕКОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАСАВВУРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Усманова Умида Айбековна

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий
тасаввурини ривожлантириш 3

Усманова Умида Айбековна

Развитие творческого воображения учащихся
начальных классов 22

Usmanova Umida Aybekovna

Development of creative imagination of pupils in
elementary classes..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА УМИДА АЙБЕКОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАСАВВУРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped 374 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ниёзметова Роза Хасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Эркабоева Нигора Шерматовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ___ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « ___ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Х.Ё.Нажмиддинова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.А.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача мўлжалланган таълим концепциясида бошланғич таълим “таълим тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб¹, сифатли таълим бериш, ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш ва ўқувчилар интеллектуал даражасини ривожлантиришнинг самарали усулларида кенг фойдаланишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Европада ўқитиш тизимларининг амалиётга жорий қилиниши ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, дидактик, креатив, интегратив, ижодий, касбий билимлардан самарали фойдаланиш технологияларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда бошланғич таълимнинг назарий-методологик жиҳатларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёни моделини яратиш, кичик ёшдаги ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув вазиятларининг дидактик-педагогик имкониятлари ва методларини аниқлаштириш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантирувчи таълим жараёнини ташкил этишга йўналтирилган педагогик имкониятларни яратиш заруриятини изоҳлайди.

Республикамизда умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг эркин, мустақил фикрлаш, атрофдаги воқеликка онгли муносабатда бўлиш, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларини ривожлантириш, ижодий тафаккури ва тасаввури ривожланган шахсни камол топтиришнинг моддий-техник базаси яратилган. Бунда “ёшларни жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожлаган, ватанга содиқ, қаътий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бунда шахснинг интеллектуал сифатларини шакллантириш, тажриба ва тарбия ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сон Қарори, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ёшлар манавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим

¹ Incheon Declaration / Education 2030. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p. 6-7// <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ташаббус”нинг биринчи йўналиши “Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади”ган бўғинидаги ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошланғич синф ўқувчиларини таълим жараёнида ижодий фикрлашга ўргатиш масалалари бўйича республикамиз олимлари Н.Г.Аловутдинова, А.Я.Бобомуродова, Т.У.Зиядова, Р.Ибрагимов, Н.А.Қосимова, У.А.Машарипова, Ш.У.Нуруллаева, А.Қ.Нисанбаева, О.Охунжонова, А.Тешабоев, А.Р.Ҳамроев, Н.А.Хамедова, М.З.Ҳамдамова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Таълим жараёнининг турли босқичларида ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш масалалари бўйича турли даврларда М.Абдуллаева, Б.С.Абдуллаева, Р.Адизов, Қ.С.Жуманиёзов, М.Қосимов, М.Қуллахметова, З.Т.Нишанова, К.Рахимова, М.Саидов, Н.Х.Сатторова, Р.Г.Сафарова, К.А.Фарфиева, Ш.С.Шарипов, Ч.Т.Шокирова, Ш.Ж.Юсупова ва бошқ. томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

МДХ мамлакатларида ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг назарий-методик асослари Л.Виготский, Л.Н.Галигузов, В.Давидов, О.Дяченко, М.Каневская, Г.Кириллова, Э.Кравцова, Е.Лустина, Н.Мелникова, З.Н.Новлянская, А.Нурахунова М.Розет, Л.Рубинштейн, А.Усачев ва бошқ. тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг методик таъминотини яратиш масалалари хорижий олимлар, АҚШ педагог ва психологлари J.Bruner, P.Torrens, Австралия педагог-психологи Z.Freyd, француз педагог ва психологлари Т.Рибо, Ж.Сартр, Швейцария файласуф-психологи J.Piaje ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Юқорида келтирилган илмий изланишларда ижодий фикрлаш фаолиятининг муайян тармоқлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бошланғич синф ўқувчиларининг ёшга оид ижодий тасаввурини ривожлантириш муаммоси доирасида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг КА-1-004 “Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини амалий тадқиқ этиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги комплекс тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, амалиётдаги дарсликларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, “ижодий тасаввур” тушунчасини педагогик ёритиб бериш;

бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатиш даврида уларнинг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш;

бошланғич синфларда анъанавий коммуникатив методларнинг электрон-дидактик воситалар билан узвий алоқасини таъминлаш асосида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш;

бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатиш даврининг синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчилари ва уларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёни белгиланиб, унда Фарғона вилояти, Қува туманидаги 40-, Андижон вилояти, Хонабод шаҳридаги 1-, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 3- ва Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларидан жами 460 нафар ўқувчилар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (экспет баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш тасаввур турлари (аномал фикрлаш, креатив фаол, фаол бўлмаган ижодий ҳамкорлик) синектика (тузулишли, функционал, феноменал) услубларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси баҳолаш мезонлари (тасаввур қила олиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил фикрлай олиш) ва даражалар (идрок этиш, хотирлаш, тасаввур қилиш, муносабат билдириш)ни лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш модели ижодий тасаввурга ўргатиш босқичлари (эмоционал, мантиқий фикрлаш, фантазия, ижодий ёндашиш ва тасаввур қилиш)ни фаоллаштиришга (қайта тиклаш, изоҳлаш, ижодий фаоллик) устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

синфдан ташқари ўқишда ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш механизмлари ўқитишнинг креатив технологиялари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчилари учун “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш бўйича электрон таълим ресурсини яратиш бўйича тавсиялар ҳамда ўқувчиларга мотивация берувчи топшириқлар тўплами ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога педагогик ва психологик, методик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи педагогларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жихатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг методик асослари, ижодий тасаввур, фантазия ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришдаги муайян илмий қарашлар, ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саводга ўргатиш машғулотларининг ишлаб чиқилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган механизмларидан бошланғич таълим йўналиши давлат таълим стандарти, малака талаблари, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

ижодий тасаввур турларида синектика услубларидан фойдаланган ҳолда такомиллашган бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожланишга оид тавсиялар 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2674-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурининг ривожланиши жараёни самарадорлигининг ошишига эришилган;

баҳолаш мезонлари ва даражаларни лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси 2015-2017 йилларда бажарилган А-

5-37-рақамли “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 89-04-1843-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур тузилма бошланғич синф ўқувчиларининг билим салоҳиятини мустахкамлашга, таълим сифатини таъминлашнинг миллий йўналишларини ҳисобга олишга, тасаввурни кенг, ижодий фикрлай оладиган шахсни тайёрлашга хизмат қилган;

ижодий тасаввурга ўргатиш босқичларини фаоллаштириши асосида ишлаб чиқилган бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурни ривожлантириш модели 2015-2017 йилларда бажарилган А-1-123 рақамли “Бошланғич синф ўқитувчилари учун математикадан мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” номли амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2674-сон маълумотномаси). Натижада “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

ўқитишнинг креатив технологиялари асосида такомиллаштирилган синфдан ташқари ўқишда ўқувчиларнинг ижодий тасаввурни ривожлантириш механизмларидан бошланғич таълим материалларини ишлаб чиқишга оид таклифлардан умумтаълим мактаблари ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2674-сон маълумотномаси). Натижада бошланғич синф ўқувчиларининг савод ўргатиш даврида ўқитиш самарадорлигининг, ўқувчиларнинг ўқув фанларига бўлган қизиқишларининг ва ўқув фаоллигининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та (5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 131 саҳифани ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “ижодийлик” ва “тасаввур” тушунчаларининг талқини, уларнинг бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ўстиришдаги ўрни, бошланғич синф ўқувчиларида ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг илмий-назарий масалалари ва педагогик шартлари, шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати баён қилинган. “Тасаввур”, “ижодийлик”, “ижодкорлик”, “ижодий тасаввур”, “ижодий шахс”, “мантикий фикрлаш” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти очиб берилган ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш ва ўқитишнинг педагогик имкониятларини ошириш талаблари ёритилган.

Мазкур тадқиқот жараёнида ва замонавий услубий нашрларда тавсифланган, бошланғич синф ўқитувчилари тажрибасини умумлаштириш орқали ижодий тасаввурни ривожлантиришда электрон дидактик воситаларни қўллаш бўйича услубий тизим ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёнида ўқув-методик воситаларни қўллаш бўйича методик тизим чизмаси

Расмда келтирилган бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурни ривожлантириш жараёнида электрон дидактик воситаларни қўллаш бўйича услубий тизим бешта ўзаро боғлиқ компонентдан иборат: мақсад, ўқитувчи ўқувчилар, мазмун, восита, савод ўргатиш даврида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари. Ушбу услубий тизим таълим жараёнини ташкил қилишда ўқув-методик воситаларни қўллаш самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Келтирилган методик тизим қисқача шарҳ талаб қилади. Методик тизимнинг мақсади мулоқот вазиятларига мувофиқ тасаввурни ривожлантирувчи билимлар мажмуи кўринишида бошланғич синф ўқувчиларининг савод ўргатиш даврида ижодий тасаввурини ўстириш фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади.

Айни пайтда жаҳон таълим тизимининг турли босқичларида ижодий тасаввурни ривожлантириш механизмини ўрганиш, унинг мазмунини такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фанлар тармоғида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг амалий тармоғи Англия, АҚШ, Франция, Россия, Швейцария каби кўплаб давлатларнинг мактаблари йиллик ўқув режаси, ўқув дастурларида ўз аксини топган.

Бугунги кунда амалдаги давлат хужжати бўлган ўқув дастурларида ўқувчиларнинг бошланғич синфда она тили таълими бўйича эгаллайдиган билим, кўникма ва малакалари, уларга қўйилган талаблар белгилаб берилган. Шунингдек, савод ўргатиш дастурида ҳам савод ўргатиш жараёни ва унинг вазифалари аниқ кўрсатилган. Дастурга кўра, биринчи синфга келган болаларнинг саводини чиқариш элементар ўқиш ва ёзишга ўргатишдан бошланади. Улар бошланғич синф давомида сидирға ўқиш ва саводли ёзиш каби адабий тил меъёрларини эгаллайдилар.

Таҳлилий натижаларга асосланиб, диссертациянинг ушбу бобида бошланғич таълим ислоҳоти билан боғлиқ ва ижодий тасаввурни ривожлантириш босқичларига алоқадор бўлган 1901-2018 йиллар оралиғидаги педагог-психолог олимларнинг тадқиқий фикрлари, таҳлилий мулоҳазалари ўрганилиб, хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга қаратилган ўқув адабиётларни, соҳага оид илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш ҳамда саводга ўргатиш даврида ўқитишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида тажрибали ўқитувчилар билан суҳбатлар олиб борилди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Манбаларнинг назарий таҳлили бошланғич таълимда ўқувчиларнинг тасаввурини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш, ўқитишнинг педагогик имкониятларини амалга ошириш ва бунинг учун, аввало, инновацион, интегратив, рағбатлантирувчи ёндашувларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга доир қуйидаги компетенциялар аниқланди: назарияни амалиётга татбиқ этиш

бўйича: бошланғич таълим савод ўргатиш билан боғлиқ билимларни эгаллаш, савод ўргатишга тайёргарлик дарслари ва савод ўргатиш дарсларидаги машғулотларнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ўқувчиларга етказа олиш; метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича: ноанъанавий методлар, расм композициялари орқали бошланғич синф ўқувчиларининг савод ўргатиш дарсларида ижодий тасаввурни ривожлантириш методикасини танлай олиш, уларда мантикий фикрлаш, бой тасаввурни ривожлантириш, фантазиявийлик, ижодкорлик, касбий қизиқишларини ривожлантириш, табиат билан танишиш ва дўстлашишга, миллий урф-одат ва анъаналар, умуминсоний қадриятларни англаб етиш, ушбу билимларни ижодий қўллай олиш, фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, шу асосда хулоса чиқара олиш; дарс мазмуни ва аҳамиятини тушуниш, тасаввурни ривожлантиришнинг асосий методлари ва воситалари, кўникма ва малакаларини эгаллаш.


Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга методик ёндашув асосида (шакллантирувчи, тўлдирувчи, ривожлантирувчи, таъминловчи, жараёнли) такомиллаштирилган механизм ва электрон таълим ресурслари, ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси таклиф қилинди.

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини бойитишга қаратилган, методик ёндашув асосида такомиллаштирилган механизм ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Ушбу механизм асосида бошланғич синф ўқувчилари учун ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари ҳамда унинг мантикий-тузилмавий компонентлари мазмуни, ўқув таъминоти шакллантирилди ва бунда, аввало, савод ўргатиш даврида ўқитишнинг мазмунини такомиллаштириш белгилаб олинди.

Бошланғич синфларда савод ўргатиш даври синфдан ташқари машғулотини ташкил қилиш жараёнига методик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг: шакллантирувчи, тўлдирувчи, ривожлантирувчи, таъминловчи, билимларни эгаллаш каби мезонлари аниқланди.

2-расмда келтирилган бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг механизми бешта ўзаро боғлиқ бўлган: шакллантириш, тўлдириш, ривожлантириш, таъминлаш ва билимларни эгаллаш компонентларидан иборат. Ушбу такомиллаштирилган механизм ижодий тасаввурни ривожлантиришда яратилган методик қўлланма ҳамда методик тавсияларни қўллаш самарадорлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган механизми

Келтирилган механизмни қисқача шарҳлаб ўтамиз. Бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантириш савод ўргатиш даврида, синфдан ташқари машғулотлар кесимида, ихтиёрий тарзда танланган ўқувчилар гуруҳи билан ташкил топган махсус машғулотларда расм композициялари асосида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш салоҳиятини шакллантириш; тасаввурини бойитиш орқали фикрлаш қувватини тўлдириш; ижодий тасаввурни, фантазиявийлиги ва мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш; эртак, ҳикоя қахрамонлари, табиат манзаралари тасвиридан синфдан ташқари ўқиш дарсларида қўлланилиши мўлжалланган “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” номли ўқув қўлланма ва тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методик тавсиялар воситасида керакли билимни таъминлаш; ижодий топшириқлар бериш ва топшириқларнинг бажарилиш жараёнини таҳлил қилиш орқали керакли билимларни эгаллашига кўмаклашиш мақсадида бир қатор амалий ишларни бажариш назарда тутилган.

Методик ёндашув асосида ижодий тасаввурни ривожлантиришга қаратилган механизм асосида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш борасидаги билим, кўникма ва малакаларини анъанавий таълим муҳитида шакллантириш, ижодий тасаввурни ривожлантириш методларини такомиллаштириш мақсад қилиб олинган. Ўқувчиларнинг керакли билимларни эгаллашларига замин яратиш, ўқувчилар ижодий тасаввурини ривожлантиришда ўқувчи ва ўқитувчининг фаол ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқув жараёнидаги ижодий фаолликка эришиш, натижада, ўқувчиларни маънавий баркамол, жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли, ижодий тасаввурни ривожланган шахсни шакллантириш тизими такомиллаштирилган.

Диссертациянинг ушбу бобида, шунингдек, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол методларнинг турлари ва улардан тегишли машғулотларда ва вазиятларда фойдаланиш шартлари ҳамда тартиби тўғрисида сўз юритилган.


Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари, ўқув таъминоти учун “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” номли ўқув қўлланма яратилди. Ушбу ўқув қўлланма амалдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тўлдирган ҳолда ўқув амалиётида бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатиш даврида синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш мазмунига сингдирилиши лозим бўлган тушунчалар, уларни ўқувчиларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига мос бўлишини таъминлашнинг методик жихатларини ўз ичига олган методик таъминот сифатида хизмат қилади.

“Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” ўқув қўлланмаси асосида олиб бориладиган машғулотларни ўтказишда икки мақсад кўзда тутилади: биринчидан, боланинг психологик хусусиятларига қараб, расмли композицияларга асосланган мантикий ўйин жараёнида гавдаланган тасаввурларини жонлантириш, хотира ва фикрлаш қобилиятини ўстириш, иккинчидан, бундай машғулотлар синфдан ташқари ўқиш бўйича эртакликларни ташкил этишга замин тайёрлайди. Ўқитувчи биринчи синфда ўқув йилининг

биринчи ярмида “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” ўқув қўлланмасидан фойдаланиб, синфдан ташқари ўқиш машғулотини қуйидагича ташкил қилиш мумкин.

1-машғулот.

Ўқитувчи: – Азиз болажонлар, расмга эътибор беринг. Ушбу расмнинг топшириғини ўқиб бераман (3-расмга қаранг):



3-расм. Ўқувчиларни мантиқий фикрлашини ривожлантирувчи машғулот учун расм

Бу расм орқали сиз мактаб, ўқув қуроллари ва бошқа буюмлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз. Бу ерда “Мосликни топинг!” топшириғи берилган. Қани, айтинг-чи, азиз болажонлар, қайси бири иккинчисига мос келади.

Ўқувчи: – Мактаб биносига ўқувчи қиз мос келади.

Ўқувчи: – Мойбўёқларга бўёқ мос келади.

Ўқувчи: – Рангли қоғозларга қайчи мос келади.

Ўқувчи: – Гулдонга гул мос келади.

Ўқувчи: – Дафтарга ручка мос келади.

Ўқувчи: – Коптоқка футболчи бола мос келади.

Ўқувчи: – Эртақчи чолга эртақ китоб мос келади

Ўқувчи: – Пиллага ип мос келади.

Ўқитувчи: – Тўғри топдингиз, ушбу топшириқ орқали сиз билан буюмлар ўртасидаги боғлиқликни ўргандик.

5-машғулот.

Ўқитувчи: – Азиз ўқувчилар, сиз билан алифбе дарсида “О, о” ҳарфи ва товуши билан танишган эдик (ўқитувчи синф тахтасига “О, о” ҳарфини ёзади, ўқувчилар жўр бўлиб ўқишади). Дикқатингизни ушбу расмга қаратишингизни сўрайман (расмни кўрсатиб).



Ушбу расмда нималарни кўряпсиз? Қани ким айтади?

Ўқувчилар: – от, отахон, ош, олти, олма дарахти, олмахонлар расмлари берилган.

Ўқитувчи: – Хўш, айтинг-чи болажонлар, сиз санаб берган расмлар қайси ҳарф билан бошланади?

Ўқувчилар: – “О, о” ҳарфи билан бошланади.

Ўқитувчи: – Демак, сиз билан “О, о” ҳарфига оид машғулот ўтказамиз. Тўғри топдингиз, сиз санаб ўтган расмлардаги акс этган нарса-буюмлар номи “О, о” ҳарфи ёки товушидан бошланади. Бу ерда “Олмаҳонларнинг кайфиятига мос олмаларни ёпиштиринг!” топшириғи берилган.



1-илова

4-расм. Ўқувчиларда ижодий тасаввурни ривожлантириш учун мўлжалланган машғулот учун расм

Сиз билан китоб иловасида берилаган, турли кайфиятни акс эттирган расмларни олиб олмаҳонлар тасвирига қўшишимиз керак бўлади. Қани, ҳаммамиз китоб иловасидан (1-илова) кайфият акс этган олмаларни топамиз ва қирқиб оламиз. Сўнгра олмаҳонларнинг кайфиятига мосини ёпиштирамиз. Ким ўзи бажаришга қийналса, ёрдам сўраши мумкин.

Амалдаги дастур мазмунида бошланғич синфларда ижодий тасаввурни ривожлантиришга оид машқларни ўтказишга махсус соатлар ажратилмаган. Шунинг учун бошланғич синф ўқитувчиси дарснинг маълум бир қисмида ёки синфдан ташқари ўқиш машғулотларида, ихтиёрий тўғарақларда, паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан индивидуал ишлаш даврида, юқори ўзлаштирувчи ўқувчиларга уйга қўшимча топшириқлар беришда ушбу ўқув қўлланмадан фойдаланишлари мумкин. Биринчи синфнинг савод ўргатиш даврида ўқувчилар ижодий тасаввурини ривожлантириш, унинг ўзига хос хусусиятларини ўқувчиларга етказиш жараёни орқали бир қанча афзалликларга эришиш мумкин. Бошланғич синф ўқувчиларида зарур кўникмаларни шакллантириш, бошланғич таълим сифат-самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқитишнинг замонавий усул, воситаларни амалиётга жорий этиш натижасида: боланинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, мантикий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, ёзма, оғзаки нутқ маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш, ижодий тасаввурни ривожлантириш каби кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Ижодий тасаввурни ривожлантиришга қаратилган машғулотларнинг ўқитувчилар учун афзаллиги шундаки, улар ўқитувчиларнинг ўз устида

мунтазам ишлашига имкон яратади. Улар синфдан ташқари машғулотларга ҳар доим тайёр бўлади. Синфдан ташқари ўтказиладиган машғулотларни ноанъанвий кўринишда ташкил қилади. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги ортади. Бўш ўзлаштирувчилар билан билимлардаги бўшлиқларни тўлдиришда ёрдам беради. Ўқитувчининг ота-оналари билан ҳамкорликда ишлаш имконини яратади.

Бу машғулотларнинг ўқувчилар учун афзаллиги уларнинг ўқишга бўлган қизиқиши ортиши, ўқишда юқори кўрсаткичларга эга бўлишидир. Улар уй вазибаларини бажаришда қийналмайди, дарс қолдирган тақдирда ҳам янги мавзунини ўзлаштириш имкони бўлади, мустақил, эркин фикрлашга ўрганади. Мустақил фикрлаш қуввати ортиб боради. Кейинги босқичда билим олишга иштиёқи кучаяди, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатлари яхшиланади.

Ота-оналар учун афзаллиги: ота-оналар фарзандларига уйда ёрдам бериш имкони ва уларнинг ўқишларини яхшилаш борасида тўғри тасаввурга эга бўлади.

Олиб борилган тадқиқотимиз натижаларига кўра бугунги кунда бой тасаввурга эга бўлган инсонда ижодкорлик, яратувчанлик, ижобийлик, кенг фикрлилик, фантазиявийлик ва шунга ўхшаш хислатларни кузатиш мумкин. Қолаверса, бой ранг тасвир намуналари ўқувчининг онгини ривожлантириши ва шу орқали зарур билимларни беришнинг юқори самара бериши хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълум. Боланинг 7 ёшдан таълим олишга жалб қилинишини ҳисобга олсак, расм композициясига асосланган китоб орқали болани зериктирмай, таълим олишдан бездирмай, таълим-тарбияга жалб қила олиш алоҳида аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Бошланғич синф ўқувчиларида зарур кўникмаларни шакллантириш, бошланғич таълим сифат-самарадорлигини янги босқичга кўтариш, ўқитишнинг замонавий усул, воситаларни амалиётга жорий этиш натижасида: боланинг ўқишга бўлган ижобий муносабатини бугунги кунда энг зарур бўлган ўқиш саводхонлиги, турли маълумотлар билан ишлаш, мантиқий ва ижодий фикрлаш, ўз-ўзини бошқариш, жамоада ўзини тута билиш, ёзма, оғзаки нутқ маданияти қоидаларини эгаллаш, таълимий фаолиятни ташкил этиш, ижодий тасаввурни ривожлантириш каби кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, мазмуни, тажриба-синов натижаларининг математик статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишлари 2016-2019 йилларда Фарғона вилояти, Қува туманидаги 40-, Андижон вилояти, Хонабод шаҳридаги 1-, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 3- ва Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги 26-умумий ўрта мактабнинг бошланғич синфларида олиб борилди.

Тадқиқотнинг изланувчан босқичида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун

сўровнома ишлаб чиқилди. Сўровнома умумий ўрта таълимнинг бошланғич синф ўқитувчиларидан ўтказилди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик ўқитувчилар савод ўргатиш даврида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантиришда турли қийинчиликларга дуч келдилар. Мактабга келган ўқувчилар орасида мактабгача таълим муассасасида тарбияланган ёки ўқув машғулотларининг тайёрлов босқичида шуғулланган ўқувчилар билан уйда тарбияланган, мактабга руҳан тайёр бўлмаган ўқувчиларнинг ўзлаштириши орасидаги фарқни ва қийинчиликларни таъкидлаб ўтдилар.

Бундан ташқари, ота-оналарининг ёндашувига қараб бола тасаввурининг тор ёки кенг эканлигидаги фарқларни айтиб ўтдилар. Дарс жараёнида ўқувчилар тасаввурини ўстиришда турли композицион расмлардан кам фойдаланишлари, дарсларни ўйинлар асосида қизиқарли ташкил этишларида дарслар вақтини тўғри тақсимлаб, ундан унумли фойдалана олмасликлари маълум бўлди. Ўқитувчиларнинг савод ўргатиш даврида қўллайдиган методикалари асосан ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга оид билимларни оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг иккинчи – шакллантирувчи тажриба-синов босқичида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш бўйича ташкил этиладиган дарслар мазмуни, шакл, методлари ишлаб чиқилди. Савод ўргатиш даврининг синфдан ташқари машғулотлар кесимида олиб борилиши ва машғулотлар асосида ташкил этиш методикаси тизимлаштирилди ва бунга имкон берувчи дарслар, ўқув-услубий тавсиялар, ўқув машғулотлари учун мўлжалланган ўқув қўлланма яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди ҳамда синаб кўрилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари таққосланиб, тажриба синфларидаги натижаларнинг самарали эканлиги аниқланди.

1-жадвал.

Таълим муассасаларида тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштириши бўйича тақсимоти

| № | Таълим муассасалари | Тажриба синфлари | | | Назорат синфлари | | |
|-------|---|------------------|-----|----|------------------|----|-----|
| | | 5 | 4 | 3 | 5 | 4 | 3 |
| 1. | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 26-умумтаълим мактаби | 19 | 40 | 9 | 6 | 12 | 17 |
| 2. | Фарғона шаҳри, Кува тумани 11-умумтаълим мактаби | 9 | 14 | 6 | 10 | 15 | 31 |
| 3. | Андижон вилояти, Хонабод шаҳри 1-умумтаълим мактаби | 22 | 31 | 16 | 11 | 18 | 38 |
| 4. | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, 3-умумтаълим мактаби | 25 | 24 | 17 | 11 | 21 | 38 |
| Жами: | | 75 | 109 | 48 | 38 | 66 | 124 |

Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар бўйича статистик таҳлил ишлари χ^2 мезони асосида олиб борилди ва қуйидаги натижалар олинди (1-жадвалга қаранг).

Тажриба-синов ишларини олиб бориш учун танлаб олинган умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари контингенти ўрганиб чиқилди ва 1-синфлар тажриба ва назорат гуруҳлари сифатида танлаб олинди.

Тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида синфларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_i}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, улар 3, 4, 5; қийматларни қабул қилади. m_j - баҳоларнинг такрорланишлар сони, N - тажрибада иштирок этаётган ўқувчилар сонини билдиради.

Қуйидаги формулалардан фойдаланиб, тажриба-синов ишлари олиб борилди:

1. Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичлари

$$C_S^T = \frac{S_T}{\sqrt{N_T \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad C_S^H = \frac{S_H}{\sqrt{N_H \bar{x}}} \cdot 100\%; \quad (1)$$

бу ерда N_T ва N_H лар орқали ҳар икки синфлардаги ўқувчилар сонини

$$S_T = \sqrt{S_T^2} \quad \text{ва} \quad S_H = \sqrt{S_H^2} \quad (2)$$

лар орқали эса мос стандарт хатоликларни белгиладик.

$$S^2 = \frac{1}{N} \sum_i m_i (x_i - \bar{x})^2 \quad \text{танланма дисперсия}$$

2. Ўқув жараёни самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба ва назорат гуруҳлари баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти

$$\eta = \frac{X_T^*}{X_H^*} \quad (3)$$

Бу ерда X_T^* - тажриба гуруҳи баҳоларининг ўртача арифметик қиймати. X_H^* - назорат гуруҳида ўзлаштириш баҳоларининг ўртача арифметик қиймати.

3. Тажриба синов ишларида иштирок этган тажриба ва назорат синфлари учун a_T ва a_H ишонч ораликларини ҳисобаш формуласи:

$$a_T \in \left[\bar{x}_T - \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T; \bar{x}_T + \frac{t}{\sqrt{N_T}} S_T \right] \quad (4)$$

$$a_H \in \left[\bar{x}_H - \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H; \bar{x}_H + \frac{t}{\sqrt{N_H}} S_H \right]$$

Бу ердаги t – нормаллашган четланиш ишончлилик эҳтимоли p асосида аниқланади. Масалан, $p=0,95$ деб олсак, $t=1,96$ бўлади.

4. Ўртача қийматларнинг тенглиги ҳақидаги $H_0: X_T = X_H$ гипотеза, унга муқобил (альтернатив) сифатида $H_1: X_T \neq X_H$ гипотеза олинди.

Агар ушбу шарт бажарилса, H_0 гипотеза қабул қилинади, яъни тажриба синфларида олинган натижалар назорат синфларидаги натижаларга нисбатан самарасиз бўлиб чиқади. Агар бунинг акси бўлса, унга алтернатив бўлган H_1 -гипотеза қабул қилинади, яъни биз илгари сураётган усулнинг самарали эканлиги исботланади.

Статистик қийматни ва Стьюдент критерийси озодлик даражасидир ҳисоблаймиз.


$$T = \frac{4,15 - 3,69}{\sqrt{\frac{0,39}{68} + \frac{0,56}{35}}} = \frac{0,46}{\sqrt{0,006 + 0,016}} = \frac{0,46}{0,1483} = 3,10$$

$$K = \frac{(0,016)^2}{\frac{(0,006)^2}{67} + \frac{(0,016)^2}{34}} = 59$$

$$t_{0,95}(59) = 2,00$$

Демак юкоридаги ҳисобларга кўра

$T = 3,10 > T_{0,95}(59) = 2,00$ бўлгани учун H_0 гипотезани қабул қилишга асос йўқ, шунинг учун H_1 гипотеза қабул қилинади.



6-расм. Таълим муассасаларининг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари

Бундан кўринадики, биз олиб борган тажриба синфидаги тадқиқотлар назорат синфида олиб борилган ўқитишдан самарали эканлиги статистик усуллар орқали тасдиқланди. Тажриба гуруҳидаги самарадорлик 1.13 баробарга ортиқлиги, яъни 13 фоиз юқорилиги исботланди.

Кўриниб турибдики, барча таълим муассасаларида ўртача самарадорлик 1.13-1.14 баробарга ошганлигини, яъни олиб борилган тадқиқот ишлари 13-14%га юқори эканлиги математик статистика усуллари орқали исботланди. Ушбу ўртача қиймат кўрсаткичлари юқорида диаграмма кўринишида келтирилди (6-расмга қаранг).

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлиги билан бирга бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминланди.

ХУЛОСА

1. Ижодий тасаввур тажриба ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат фаолият бўлиб, унинг натижасида санъат, адабиёт, техника соҳаларида янгиликлар яратиладиган, қонуниятлар, хусусиятлар, янги далиллар аниқланадиган, асл ва такрорланмас қадриятлар яратиладиган, шунингдек, маънавий-маданий ва моддий дунёнинг янгиланиши рўй берадиган тадқиқот усуллари демакдир. Бунда ишнинг янгилиги, объективлиги ва ижтимоий аҳамиятга эгаллиги алоҳида таъкидланади.

2. Замонавий таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро фаол мулоқот, ўқувчиларнинг етакчилик қилиши, бир-бири билан фикр ва тажриба алмашиши, ўрганилаётган мавзу ёки ўқув материали бўйича мустақил фикрлаши, ўз қарашларини илгари суриши, уларни далиллаши, ҳимоя қилиши ва маълум хулосаларга келиши асосида таълим мақсадларига эришиш талаб қилинмоқда. Мақсадли йўналтирилган расм композициялари ва топшириқли методикалар орқали бошланғич синф ўқувчилари таълимини ташкил этиш юқорида қайд этилган талабларга мувофиқликни таъминлайди.

3. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини шакллантириш ва ривожлантириш жараён самарадорлигини оширишда замонавий, инновацион педагогик, психологик, дидактик, методик ёндашувлар асосида таълим жараёнини ташкил этиш устувор вазифа ҳисобланади.

4. Ижодий тасаввурни ривожлантиришда мақсадли йўналтирилган расм композицияси ва ўқувчиларда ижодий тасаввурни бойитишга йўналтирилган топшириқли машғулотлардан фойдаланишнинг аҳамияти юқорилигини ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказилган тадқиқот доирасида “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” номли ўқув қўлланмаси яратилди, унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5. Ижодий тасаввурни ривожлантириш самарадорлигини ошириш имконини берадиган “Тасаввурингизни ишга солинг”, “Ўйлаб кўринг” ва

“Расмдаги камчиликларни тўлдириш” каби топшириқларни мавзу ва машғулот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали бошланғич синф ўқувчиларининг мотивациясини ошириш, таълим жараёнининг методик таъминотини бойитиш ва ўқувчиларнинг улардан амалиётда фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш имкони яратилди.

6. Тадқиқот доирасида ўтказилган тажриба-синов натижалари тажриба гуруҳлари ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш модели самарали экани ва бой тасаввур компонентларидан фойдаланиш кўникмаларининг ривожланиш кўрсаткичлари сезиларли ўсганлигини кўрсатди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга қаратилган тажриба-синов жараёнлари натижалари асосида қуйидагиларни тавсия қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиладиган методлар, педагогик, психологик ва дидактик омилларни аниқлаб, саводхонлик дарслари тамойилларига мослаштирган ҳолда ишлаб чиқиш ва машғулотларда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришда инновацион технологиялардан тўғри, ўз ўрнида, мақсадли ҳамда унумли фойдаланиш компетенциясини такомиллаштиришда бошланғич синф ўқитувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш компетенцияларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

3. Тадқиқотда таклиф қилинган “Тасаввурни ривожлантирувчи алифбе” номли ўқув қўлланмаси бошланғич синф ўқувчиларига савод ўргатиш даврида синфдан ташқари машғулотларда қўллаш уларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш, ижодий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилиши ўз тасдиғини топди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.28.08.2018.Ped.76.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УСМАНОВА УМИДА АЙБЕКОВНА

**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО ВООБРАЖЕНИЯ УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (начальное образование)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.1.PHD/Ped374

Докторская диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещена на веб-странице Научного совета по адресу www.namdu.uz и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ниёзметова Роза Хасановна**
доктор педагогических наук, профессор

Эркабоева Нигора Шерматовна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.Ped.76.02 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316.Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № ...). (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, № 316.Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(протокол рассылки №__ «__» _____ 2019 года.)

Т.Файзуллаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.п.н., профессор.

Х.Ё.Нажмиддинова
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.п.н., доцент

Т.А.Эгамбердиева
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В принятой международными организациями и развитыми странами концепции образования до 2030 года во всемирном масштабе образование признано в качестве “основной движущей силы развития и важной деятельностью, ведущей к достижению целей стабильного развития”³, что усилило потребность в качественном образовании, совершенствовании методов оценки усвоения и широком использовании эффективных методов развития интеллектуального уровня обучающихся. С внедрением на практике систем образования в Европе приобретает важное значение проведение научных исследований по развитию способностей обучающихся, внедрению в жизнь технологий эффективного использования дидактических, креативных, интегративных, творческих, профессиональных знаний.

Во всем мире особое значение имеют исследования по совершенствованию теоретико-методологических аспектов начального образования, созданию моделей процесса развития творческого воображения обучающихся, определению дидактико-педагогических возможностей и методов создания учебных ситуаций, направленных на развитие способности логического мышления обучающихся младшего возраста. Этим объясняется необходимость создания педагогических возможностей, направленных на организацию учебного процесса, развивающего творческое воображение учащихся начальных классов.

В нашей республике создана материально-техническая база для развития свободного, самостоятельного мышления учащихся образовательных учреждений, сознательного отношения к действительности, развития качеств сопричастности и социальной активности, формирования личности с развитым творческим воображением и мышлением. При этом определена приоритетная задача: «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»⁴. Большое значение в этом приобретает формирование интеллектуальных качеств личности, эффективное использование опыта и воспитательных ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, поставленных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-5313 от 25 января 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования”, УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

³ Incheon Declaration / Education 2030. Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р. 6-7// <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». - Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70,

Узбекистан”, первой инициативе «Усиление интереса молодежи к музыке, живописи, литературе, театру и другим видам искусства» выдвинутых Президентом «Пяти инициатив по созданию условий для духовного развития и содержательного проведения свободного времени молодежью», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы обучения учащихся начальных классов творческому мышлению в процессе образования нашли отражение в исследованиях Н.Г.Аловутдиновой, А.Я.Бобомуродовой, Т.У.Зиядовой, Р.Ибрагимова, Н.А.Косимовой, У.А.Машариповой, Ш.У.Нуруллаевой, А.К.Нисанбаевой, О.Охунжоновой, А.Тешабоева, А.Р.Хамроева, Н.А.Хамедовой, М.З.Хамдамовой и др.

В различные периоды вопросы развития творческого воображения учащихся на разных этапах образовательного процесса исследовали М.Абдуллаева, Б.С.Абдуллаева, Р.Адизов, К.С.Жуманиёзов, М.Косимов, М.Куллахметова, З.Т.Нишанова, К.Рахимова, М.Саидов, Н.Х.Сатторова, Р.Г.Сафарова, К.А.Фарфиева, Ш.С.Шарипов, Ч.Т.Шокирова, Ш.Ж.Юсупова и др.

В странах СНГ теоретико-методические основы развития творческого воображения нашли отражение в исследованиях таких ученых, как Л.Выготский, Л.Н.Галигузов, В.Давидов, О.Дьяченко, М.Каневская, Г.Кириллова, Э.Кравцова, Е.Лустина, Н.Мельникова, З.Н.Новлянская, А.Нурахунова, М.Розет, Л.Рубинштейн, А.Усачев и др.

Вопросы создания методического обеспечения развития творческого воображения исследованы в работах таких психологов и педагогов США, как J. Bruner, P. Torrens, Австрии – Z. Freyd, французских психологов и педагогов – Т.Рибо, Ж.Сартр, швейцарским философом-психологом J. Piaget и др.

Несмотря на то, что в вышеуказанных научных исследованиях были рассмотрены определенные аспекты деятельности творческого мышления, специальные исследования по проблеме соответствующего возрасту развития творческого воображения учащихся начальных классов осуществлены не были.

